

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**31 «Экскаваторлар ва гусеницали техникани таъмирлаш
заводини қуриш» инвестиция лойиҳасини оптимал-
лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Сирдарё вилоятининг ишлаб чиқариш салоҳиятини янада ошириш ҳамда «Экскаваторлар ва гусеницали техникани таъмирлаш заводини қуриш» инвестиция лойиҳасини самарали амалга ошириш ва оптимал жойлаштиришни таъминлаш мақсадида:

1. «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Ўзтемир-йўлмаштаъмир» унитар корхонасининг Сирдарё вилояти Сирдарё шаҳрида жойлашган вагон-ғилдирак устахоналари негизида экскаваторлар ва гусеницали техникани таъмирлаш заводини қуриш таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экскаваторлар ва гусеницали техникани таъмирлаш заводини қуриш тўғрисида» 2016 йил 3 июндаги ПҚ–2543-сонли қарорига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 6 январь,
ПҚ–2719-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 6 январдаги
ПҚ–2719-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экскаваторлар ва
гусеницали техникани таъмирлаш заводини қуриш тўғрисида»
2016 йил 3 июндаги ПҚ–2543-сонли қарорига киритилаётган
ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. 1-бандида «2016-2017 йилларда «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг Сирдарё вилояти Янгиер шаҳрида жойлашган тепловоз депоси негизида экскаваторлар ва гусеницали техникани таъмирлаш заводини қуриш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш» сўзлари «2017-2018 йилларда «Ўзбекис-

2 (762)-сон

— 37 —

31-32-моддалар

тон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Ўзтемирйўлмаштаъмир» УКнинг Сирдарё шахрида жойлашган вагон-ғилдирак устaxonалари негизда экскаваторлар ва гусеничали техникани таъмирлаш заводи ни қуриш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 4-бандида «2016 йил 1 декабрига қадар муддатда» сўзлари «2017 йил 1 апрелига қадар муддатда» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. 5-бандининг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2017 йил 1 июлга қадар экскаваторлар ва гусеничали техникани таъмирлаш заводи қурилишини лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда амалга оширишга;».

4. 8-бандида:

иккинчи хатбошидаги «АЖ бўлинмалари» сўзларидан кейин «ва Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари» сўзлари ёзилсин; қуйидаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Белгилаб қўйилсинки, инвестиция лойиҳасини амалга ошириш доирасида «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан унинг бўлинмалари ўртасида бепул асосда топширилаётган мол-мулк қўшилган қиймат солиғи, юридик шахсларнинг фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди».